

инвентаризациядан ўтказилишини ҳамда ушбу Тартиб талабларига  
мослаштирилишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарор кабул килиниши муносабати билан вилоят ҳокимининг  
2002 йил 11 мартағи 72-К сонли қарори ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

6. Ушбу қарор ижросини назорат килиш вилоят ҳокимининг ўринbosари  
В.Рахимов зиммасига юқлатилсан.



**Вилоят ҳокими**

**З.Мирзаев**

Вилоят ҳокимининг 2012 йил  
10 декабр даги № 255-К  
сонли қарорига 1-илюва

**Вилоятда ташки рекламани жойлаштириш бўйича комиссия  
ТАРКИБИ**

- |              |   |
|--------------|---|
| 1. В.Рахимов | Вилоят ҳокимининг ўринbosари, комиссия раиси  |
| 2. У.Назаров | Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни<br>ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий<br>бошқармаси бошлиги, комиссия раиси ўринbosари |
| 3.С.Эргашев  | Вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий<br>ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари<br>котибияти бош мутахассиси, комиссия котиби                |

**Аъзолари:**

- |                      |   |
|----------------------|---|
| 4. Х.Мухаммадиев -   | Вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича<br>ёрдамчиси |
| 5. Н.Фозилова -      | “Тасвирий Ойина” ижодий уюшмаси вилоят бўлими<br>раиси        |
| 6. М.Абдулсаттаров - | Вилоят ҳокимлиги соғликни саклаш бошқармаси<br>бошлиғи        |
| 7. Ў.Вохидов -       | Вилоят стандартлаштириш ва метрология<br>бошқармаси бошлиғи   |
| 8. Н.Содиков -       | Вилоят архитектура ва қурилиш Бош бошқармаси<br>бошлиғи       |
| 9. С.Салоҳитдинов -  | Самарқанд шаҳар ҳокимининг биринчи ўринbosари                 |
| 10. А.Ахмедов -      | Вилоят телерадиокомпаниясининг раиси                          |
| 11. З.Жамолов -      | Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси                 |
| 12. Ш.Умаров -       | Вилоят ИИБ Йўл харакати хавфсизлиги бошқармаси<br>бошлиғи     |
| 13. Ў.Абдуллаев -    | “Самарқанд электр тармоклари” ОЛЖ раиси                       |

**Изоҳ:** Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда мазкур лавозимга  
тайинланган шахс комиссия аъзоси хисобланади.

Самарқанд вилоят ҳокимининг  
2012 йил “10” декабрдаги  
255-К-сонли карорига 2-илова

## **Вилоятда ташки рекламани жойлаштириш бўйича комиссия НИЗОМИ**

1. Вилоятда ташки рекламани жойлаштириш бўйича комиссия (*кейинги ўринларда Комиссия деб аталади*) Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Конунинг Самарқанд вилоятида бажарилишини таъминлаш, реклами тайёрлаш, тарқатиш ва жойлаштириш коидаларини ишлаб чиқиш, жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлок тамоилларига таҳдид соладиган рекламадан жамиятни муҳофаза қилиш мақсадида тузилади.

2. Комиссия Самарқанд вилоятида барча манбаатдор ташкилотлар билан биргалиқда реклама ва ахборот фаолиятини ривожлантириш бўйича ягона сиёсатни ишлаб чиқиши, тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг Конунлари ва бошқа хукукий хужжатларига, шунингдек ушбу Низомга асосланиб амалга оширилади.

3. Самарқанд вилояти бўйича реклама берувчилар, реклама ишлаб чиқарувчилар ва реклами тарқатувчилар билан алоқаларни Комиссия номидан амалга ошириш, улардан тушадиган аризалар, тақлифлар ва бошқа хужжатларни расмийлаштириш ва Комиссия мажлисига тайёрлаш, ҳамда ташки реклама ва ахборот воситаларни хисобга олиш, паспортлаштириш, гувоҳномалар тайёрлаш ва назорат қилиш, уларни жойлаштириш учун тўланадиган маблағларни Комиссия номидан йигиши, Комиссия карорлари ва кўрсатмаларини бажариш бўйича вакиллик хукуки “Тасвирий ойина” ижодий уюшмасининг вилоят бўлимига юклатилади.

4. Ташки реклама ва ахборот воситаларини жойлаштириш учун берилган рухсат гувоҳномалари Комиссия томонидан расмийлаштирилмаган ва маҳсус паспорт ва гувоҳномалари бўлмаган тақдирда ҳақиқий эмас деб хисобланади.

### **1. КОМИССИЯНИНГ АСОСИЙ ХУҚУҚ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

5. Куйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари хисобланади:

- реклама берувчилар, реклами ишлаб чиқарувчилар, реклами тарқатувчилар ва рекламадан фойдаланувчиларнинг жаҳон стандартларига ва миллий анъаналарга зид бўлмаган манбаатларига ҳамда таедикланган тартиб талабларига риоя қилинишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

- давлат бошқарув органлари ва жойлардаги ҳокимиёт органларининг, шунингдек, вилоят жамоат бирлашмалари (ташкилотлари)нинг Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги

Конун талабларини бажариш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

- реклама берувчилар, реклами ишлаб чиқарувчилар ва реклами тарқатувчилар томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Конун талабларига мос келмайдиган, ноаниқ, ёлғон маълумотларни тарқатилишига йўл кўймаслик;

- ташки рекламани жойлаштириш хукукини берувчи гувоҳнома ва реклами ўрнатиш жойини тасдиқловчи паспорт бериш, шунингдек ташки рекламаларни жойлаштириш учун йиғим хажмларини мустақил равиша белгилаш ва ўзгартириш;

- товарлар (ишлар ва хизматлар) бозорида ташки реклама ва ахборот воситаларини ишлаб чиқариш, жойлаштириш ва тарқатиш жараёнидаги пайдо бўладиган хулк-авторнинг маданиятли норма ва коидаларини шакллантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чикиш ва амалга ошириш;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг реклама фаолиятига кўмаклашиш, реклами тўғрисидаги конун хужжатлари бузилишининг олдини олиш, реклами фаолиятини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш, жисмоний ва юридик шахслар томонидан йўл кўйилган ишончсиз реклама ҳолларининг олдини олиш, уларга барҳам бериш;

- товарлар (ишлар ва хизматлар) бозорларида, шу жумладан жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларидан фойдаланиш билан боғлик банк, сугурта ва бошқа хизматлар бозорларида, шунингдек қимматли коғозлар бозорларида реклами тарқатицда ҳалол рақобатни, давлат органлари ва жамият манбаатларини химоя қилиш;

- реклама берувчилар, реклами ишлаб чиқарувчилар, реклами тарқатувчилар ва рекламадан фойдаланувчилар манбаатларига риоя этиш, реклами берувчиларга, реклами ишлаб чиқарувчиларга ва реклами тарқатувчиларга конунчилик бузилишларини тўхтатиш тўғрисидаги кўрсатмаларни, антиреклама амалга оширилиши ҳакидаги карорларни юбориш;

- Ўзбекистон Республикасининг ижодий уюшмалари, жамоа бирлашмалари, нуфузли хорижий ва ҳалқаро ташкилотлар билан реклами ахборот фаолияти масалалари бўйича алоқаларни ривожлантириш;

- реклами ва ахборот фаолиятини ёритишга, ҳалол рақобатни, рекламада ижодкорликни кўллаб-куватлашга йўналтирилган тадбирларни (конференциялар, симпозиумлар, семинарлар ва танловларни) ташкил этиш ва ўтказишда кўмаклашиш;

- реклами ва ахборот фаолиятини амалга ошириш устидан назоратнинг самарадорлигини кучайтириш, реклами тарқатувчиларнинг фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Конуни ва бошқа хукукий хужжатларнинг бажарилиши устидан назоратни ташкил қилиш ва у масала бўйича жамоатчилик фикрини тартибга солиш бўйича чет эл тажрибасини оммалаштириш;

- ижтимоий рекламани ишлаб чикариш, жойлаштириш ва тарқатишида ташаббускорлик кўрсатиш;
  - вилоят анъаналарига, жаҳон андозаларига ҳамда миллий маънавиятимизга мос равиша кўчаларни мазмунли, ташки реклама ва ахборот воситалари билан безатиш, чиройига чирой кўшишини ташкил қилиш;
  - ташки реклама ва ахборот воситаларининг маънавий томонлари, мазмуни, ташки қиёфасини реклами маддий безалишини таҳлил қилиш, реклама ва ахборот воситаларидан фойдаланувчиларнинг қадр-қимматига, манфаатларига, аҳлоқий тамоилиларига мослигини ҳамда хаққонийлигини ўрганишини ташкил қилиш, фирмалар номи ва савдо белгисининг тўғри кўрсатилишини назорат этиш;
  - Самарқанд вилоятида реклама берувчилар, реклама ишлаб чикарувчилар ва реклама тарқатувчилардан ташки реклама ва ахборот воситаларини жойлаштириш бўйича тушган шикоятларни кўриб чикиш.
6. Комиссия қўйидаги хукуқларга эга:
- Самарқанд вилоятида ташки реклама ва ахборот воситаларини жойлаштириш қоидаларининг қатъий бажарилишини таъминлаш, унинг ваколати доирасида амалдаги қоидаларни бузатётган реклама берувчиларга, реклама ишлаб чикарувчиларга, реклама тарқатувчиларга нисбатан маъмурий таъсири чоралар кўрилиши учун тегишли суд органларига мурожаат қилиш.
- Кўйидаги ҳолларда Комиссия ташки реклама ва ахборот воситаларини жойлаштиришни таъқиқлаши ёки вақтингчалик рад этиши мумкин:
- а) таклиф қилинган ташки реклама ва ахборот воситалари мавжуд қурилаётган бино ва жойга мувоғик бўлмаса, шу жумладан байзи ҳолларда бино ёки жойнинг бадий-меъморчилик қиёфасини бузса;
  - б) техник сабабларга кўра (ер ости коммуникациялари мавжудлиги, бино деворлари ва томлари бузук бўлганда ва бошқа холатларда);
  - в) ўриатилган воситалар Самарқанд вилояти шахарсозлик ва меъморчилик қоидаларига мос келмаса;
  - г) ташки реклама ва ахборот воситалари архитектура иншоатлари ва тарихий, маданий ёдгорликлари ичига жойлашадиган бўлса;
  - д) ташки реклама ва ахборот воситалари тасдиқланган архитектура бадий безаш қоидалари ва тасдиқланган габарит меъёрларини бузса;
  - е) йўл ҳавфсизлик қоидаларини бузса;
  - ё) тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольни ичимликлар реклама килинадиган бўлса;
  - ж) агар реклама берувчилар, реклама ишлаб чикарувчилар ва реклама тарқатувчилар Самарқанд вилоятида ташки реклама ва ахборот воситаларини жойлаштириш қоидаларини, шартнома келишувларини ҳамда тўлов вактларини мунтазам равища бузса.

## 2. КОМИССИЯНИНГ ТАРКИБИ ВА ИШ ТАРТИБИ

7. Комиссия таркиби Самарқанд вилоят хокими томонидан тасдиқланади, раис ва бир нафар ўринбосар, котиб ҳамда ўз фаолиятларини жамоатчилик асосида амалга оширувчи Комиссия аъзоларидан иборат бўлади.
8. Комиссиянинг ишчи органи таркибига (уларнинг розилигига кўра) мутахассислар, олимлар ҳамда реклама берувчилар, реклама ишлаб чикарувчилар ва реклама тарқатувчилар, шу жумладан хорижий ташкилотлар ва муассасалар вакиллари жалб этилиши мумкин.
9. Комиссия раиси:
  - Комиссия фаолиятига раҳбарлик қилади;
  - Комиссия мажлисларини чакиради, уларнинг кун тартибини тузади, уни комиссия мажлиси ўтказиладиган кундан камида 4 кун олдин Комиссия аъзоларига етказишини ташкил қилади;
  - Комиссия аъзоларига Комиссия қарорларини ва топшириклиарини бажариш бўйича ишларни таксимлайди. Комиссия қарорига асосан ташки реклама ва ахборот воситаларини ўрнатиш учун гувоҳномаларни имзолайди;
  - Комиссия томонидан тузилган шўъбалар, ишчи гурухлар фаолиятини назорат қилади;
  - давлат органлари, жамоат бирлашмалари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда комиссия помидан вакиллик қилади;
  - Комиссия кабул килган қарорларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;
  - Комиссия томонидан ўзига юклатилган бошқа вазифалар ва функцияларни бажаради.
10. Комиссия ишини юритишни котиб-ишчи орган ("Гасвирий ойна" ижодий ўюшмаси вилоят бўлими) амалга оширади.
11. Комиссия мажлислари заруриятга кўра, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади ва баёнлар билан расмийлаштирилади. Комиссия вилоят хокимига ўз ишлари бўйича ҳар йили якуний ҳисобот киритади.
12. Комиссиянинг қарорлари, кўрсатмалари, реклама берувчилар, реклама ишлаб чикарувчилар ва реклама тарқатувчилар учун бажарилиши шарт бўлган хужжат мақомига эгадир.
13. Комиссия аъзоларининг ярмидан кўпি катнашган мажлис қарорлари конуний меъёрий кучга эгадир. Комиссия қарорлари мажлисга катнашадиганларининг оддий кўпчилик овозлари билан кабул килинади.

**Вилоятда ташки рекламани жойлаштириш  
ТАРТИБИ**

Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида"ти Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 26 июндангаги 243-сонли "Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ти қонунининг бажарилишини таъминлашнинг чора-тадбирлари тўғрисида"ти қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2001 йил 6 апрелдаги 1024-сонли "Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ти қарорига мувофиқ, шунингдек вилоят ҳокимининг 2012 йил -- декабрдаги -----сонли "Вилоят ҳудудида ташки reklamani жойлаштириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ти қарори ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги норматив хуҗжатларига кўра ишлаб чиқилган ва вилоят ҳудудида ташки reklamani жойлаштириш жараённида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади.

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Вилоятда ташки reklamani жойлаштирилиши устидан раҳбарлик ва назорат вилоятда ташки reklamani жойлаштириш бўйича Комиссияси (кейинги матнда "Комиссия") томонидан амалга оширилади.

1.2. Реклама берувчилар (реклама тарқатувчилар) билан Комиссия орасидаги алокани амалга ошириш, reklama воситаларини хисобга олиш, паспорглаштириш, reklama берувчиларнинг аризаларини Комиссия муҳокамасига киритиш, вилоятда ташки reklamani воситаларини жойлаштирганини учун тўланадиган ҳақдарни жамлаш, ташки reklamani воситаларини ва reklamani жойлаштириш тартибига риоя этилиши устидан мониторингни ташкил этиш вилоятда ташки reklamani жойлаштириш бўйича Комиссиясининг ишчи органи - "Тасвирий Ойина" ижодий уошмаси вилоят бўлими (кейинги матнда "Комиссиянинг ишчи органи") томонидан унинг ваколати доирасида ва мазкур Тартиб асосида амалга оширилади.

Реклама берувчилар (реклама тарқатувчилар) мустакил равишда Комиссия номига хатлар билан мурожаат этишлари мумкин.

1.3. Мазкур Тартиб асосида вилоятда ташки reklamani жойлаштириш бўйича Комиссиясидан reklama жойининг паспортини ва reklamani жойлаштириш ҳуқуқи берилганини тўғрисидаги Гувоҳнома (кейинги матнда "Гувоҳнома") олган ҳар кандай юридик ва жисмоний шахс (кейинги матнда "Тарқатувчи") вилоятда ташки reklamani воситаларини жойлаштириши ва улардан фойдаланиши мумкин.

1.4. Тарқатувчи имзоланган шартнома асосида вилоятда ўз reklamasiни жойлаштириши истовчи мулкчилик шакли ва фаолиятидан қатъий назар ташкилот, муассасаса ва корхоналар, шу жумладан маҳаллий ва хорижий корхоналар, компанияларнинг ҳамда хусусий шахсларнинг манфаатларини ифодалashi мумкин.

1.5. Ташки reklamani жойлаштириш "Реклама тўғрисида"ти Ўзбекистон Республикасининг конунчилик хуҷжатлари талабларига қатъий риоя килган ҳолда амалга оширилади.

**II. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР,  
АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР**

2.1. Ушбу Тартибда "Реклама тўғрисида"ти Ўзбекистон Республикаси Қонунларида кўрсатилиган, шунингдек қуйидаги тушунчалар ва атамалар кўлланилади:

2.1.1. **Ташки reklamani** – бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар, маҳсулотлар, хизматлар, хизмат кўрсатиш ёки товар белгилари тўғрисида ташки reklamani объектларида жойлаштириладиган reklamani;

2.1.2. **Ташки reklamani жойлаштириш жойи** – вилоят ҳудудига каратилган маҳсус белгиланган жой, ажратилган майдон (тупрок, ер, асфальт, кўкаласмзорлаштирилган майдон ва х.к.), шунингдек вилоят ҳудудида жойлашган бино, иншоот ёки улар мажмусасининг устки ва ён қисмиларида жойлашган айрим майдон;

2.1.3. **Ташки reklamani жойлаштириш ҳуқуки берилганлиги тўғрисидаги Гувоҳнома** - Комиссиянинг reklamani берувчи ёки тарқатувчига маълум муддатга, маълум жойда ташки reklamani жойлаштириши мумкинлиги ҳакидаги карори. Гувоҳнома Комиссия раиси томонидан reklamani жойининг тайёр техник паспорти асосида тасдиқланиб, тарқатувчига Комиссиянинг ишчи органи орқали берилади;

2.1.4. **Ташки reklamani жойининг паспорти (кейинги матнларда - "паспорт")** - белгиланган шаклдаги ҳужжат бўлиб, у ташки reklamani воситаси ўрнатиладиган жойининг техник ҳужжати хисобланади. Реклама жойининг паспорти reklamani конструкциясини ўрнатиш учун асос бўлмайди ва ташки reklamani жойлаштириш ҳуқуки берилганлиги тўғрисидаги Гувоҳномасин ҳақиқий эмас;

2.1.5. **Монтаж ишларини бажариши гувоҳнома** - Комиссия томонидан бир марта бериладиган белгиланган муддатда ташки reklamani техник воситаларини ўрнатиш ҳуқукини берувчи белгиланган шаклдаги ҳужжат;

2.1.6. **Ташки reklamani обьекти** - вилоятда кўллаш тавсия этилган ташки reklamani техникавий воситалари (реклама конструкциялари);

Ташки reklamani техникавий воситалари битта томони ахборот юзасининг майдони бўйича қуйидаги форматларга бўлинади:

- кичик формат (5 кв. метрғача);
- ўрта формат (5 дан 10 кв. метрғача);
- катта формат (10 дан 18 кв. метрғача);
- ўта катта формат (18 кв. метрдан катта).

2.1.7. **Ташки reklamani воситасини жойлаштириш ҳуқукини бериш шартлари бўйича шартнома (кейинчалик матнда "Шартнома")** - Комиссияномидан унинг ишчи органи ва reklama берувчи ёки унинг тарқатувчиси ўртасида тузиладиган, reklama берувчи ёки унинг тарқатувчисининг муайян муддат давомида маълум жойига белгиланган тарифларга мувофиқ ташки reklamani жойлаштириш ҳуқукини тасдиқловчи, шунингдек мазкур Тартиб шартларига риоя этиши тўғрисида reklama тарқатувчи ва Комиссияномидан унинг ишчи органи ўртасида тузиладиган келишув.

2.1.8. **Шартнома** - Ташки reklamani техникавий воситаларини ўрнатиш учун reklama жойини паспортини ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаб берип бўйича пуллик хизматларга ишчи органи ва reklama берувчи ёки унинг тарқатувчиси ўртасида тузиладиган келишув;

**III. ВИЛОЯТ ҲУДУДИДА ТАШКИ  
РЕКЛАМАНИ ЖОЙЛАШТИРИШИГА  
ОИД ТАЛАБЛАР**

3.1. Вилоят ҳудудида бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида беистисно reklama ва тијорат ахборотларини тарқатиш учун ўрнатилган, ерда, бинолар, қурilmalap, иншоотларнинг ташки деворлари, томлари ва ўзга конструктив элементларида, шунингдек жамоат транспортининг ҳаракатдан тўхташ жойларида, таксофонларнинг кабиналарида, йўловчи ажратмаларида ва шахар инфратузилмасининг бошқа объектларида жойлаштирилган reklama лавҳалари, стендлар, осма транспарантлар ҳамда турғун ҳудудий

жойлаштиришнинг ўзга воситалари (кейинчалик матнда "реклама конструкциялари") ташки реклама воситаларининг объектлари хисобланади.

3.1.1. Реклама жойини олиш ва реклама конструкциясини жойлаштириш истагини билдирган аризачи Комиссиянинг ишчи органига ариза билан мурожаат қилиши лозим. Аризада кўйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- аризадан мақсад;
- конструкция тури ва унинг ўлчамлари;
- аризадаги реклама жойининг мавжуд объектларга боғлиқ ҳолда аниқ манзили;
- аризачининг имзоси ва муҳри.

Аризага мажбурий тартибда кўйидаги хужжатлар мажмуаси илова қилинади:

- реклама жойининг чизмаси;

- ўрнатилиши мўлжаллананаётган конструкциянинг изометрияда олд томондан, ён томондан, тепадан кўринишлари акс этган ҳамда конструкция барча элементларининг ўлчамлари, тури, конструкциянинг умумий оғирлиги кўрсатилган техникавий чизмаси;

- шамол босими талабларига мувофиқлиги тўғрисида маъсъул шахслар томонидан бажарилиб, имзолangan ҳамда ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган кафолат мажбуриятлари;

- зарур бўлса, реклама конструкциясининг ўрнатилиши мўлжалланган мулк эгалари, шунингдек реклама конструкциясини ўрнатиш мўлжаллананаётган худуд эгалари билан келишув.

- сертификатланиши лозим бўлган маҳсулотнинг рекламаси учун Ўздавлатстантарти ёки сертификатлаш хукукига эга идора томонидан берилган мувофиқлик сертификатининг нусхаси;

- агар реклама килипётгай фаолият турини лицензиялаш зарур бўлса, тегишли лицензи;

Қабул килинган ариза рўйхатга олинади: унда кириш рақами, қабул килинган санаси ва вакти кўрсатилади. Тўлиқ бўлмаган аризалар қабул килинмайди.

3.1.2. Ахборот кўрсаткичини ўрнатиш истагини билдирган аризачи Комиссиянинг ишчи органига ариза билан мурожаат қилиши лозим. Аризада кўйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- аризадан мақсад;
- ахборот кўрсаткичининг ўлчамлари;
- ахборот кўрсаткичи ўрнатиладиган манзили ва мўлжали;
- кўрсаткичаги матн ва жойлаштириш муддати;
- аризачининг имзоси ва муҳри.

Аризага мажбурий тартибда кўйидаги хужжатлар мажмуаси илова қилинади:

- ахборот кўрсаткичи ўрнатиладиган жойининг чизмаси;
- раҳбар томонидан тасдиқланган ва муҳри билан шаҳодатланган, конструкциянинг аниқ ўлчамлари ва ранги тасвири кўрсатилган ахборот кўрсаткичи конструкциясининг эскизи.

Қабул килинган ариза рўйхатга олинади: унда кириш рақами, қабул килинган санаси ва вакти кўрсатилади.

Тўлиқ бўлмаган аризалар қабул килинмайди.

3.1.3. Комиссиянинг ишчи органи 5 иш куни ичida сўралаётган жойга бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртмаси бор ёки йўқлигини ўрганиб чиқади, шунингдек сўралаётган жой бўйича аниқ ахборот тўплаш учун аризада кўрсатилган жойга чиқади.

Агар сўралган жой бўш бўлиб, реклама конструкциясини ўрнатиш учун техникавий имкониятлар мавжуд бўлса, реклама таркатувчига реклама жойининг техник хужжати - паспортини тайёрлаш ва маъсъул органлар билан келишиш хизмати учун тўлов шартномаси ёзиб берилади.

Таркатувчи 5 банк куни давомида берилган шартнома бўйича тўловни амалга ошириши лозим. ичida

Шартнома бўйича белгиланган муддат тўлов амалга оширилмаса, шартнома бекор килинади ва реклама жойи яна бўш хисобланади.

Комиссия ишчи органи хисоб ракамга тўлов келиб тушгандан сўнг 30 кун ичida ишчи органи реклама жойининг паспортини тайёрлайди ва уни келишиш жараёнини амалга оширади, унгу жараёндан сўнг навбатдаги Комиссия мажлиси мухкамасига киригади.

3.1.4. Реклама жойининг паспорти вилоятнинг тегишили идоралари (Архитектура ва курилиш Бош бошқармаси, туман (шахар) архитектори, Йўл ҳаракати ҳафзислиги бошқармаси, Ободонлаштириш департаменти ва байзи шаронтларда техник зарурат түғилганда бошқа хизматлар (Самарқандпур, вилоят Сувокова, маҳсус алоқа ва бошқалар) билан келишилган бўлиши керак. Бу ташкилотларнинг биронтаси реклама-ахборот воситасини ўрнатиш учун руҳсатнома беришин рад этса, улар мажбурий тарзда асосланган эътиrozларини реклама жойининг техник паспортида ёки алоҳида хат билан кўрсатишлари лозим. Бунда, аризачига паспортлаштириш учун тўланган бир марталик тўлов кайтарилмайди.

Муҳандислик тармоклари ва бошқа коммуникацияларга уланиш билан боялиқ ташки реклама воситаларини ўрнашиб зарур бўлса, барча зарур хужжатлар илова қилинган ҳолда паспорта тегишили белги қайд қилинади.

Электр таъминоти тармокларига уланишга шартнома тузиш учун ёзма келишув мавжуд бўлиши ҳамда реклама курилмасини жойлаштирувчи субъектда электр тизимига хизмат кўрсатиш учун электротехника ва ёруғлик техникаси бўйича маъсъул ходимлари мавжуд бўлиши шарт. Бундай ходимлар мавжуд бўлмаган тақдирда, электротехника ва ёруғлик техникаси ускуналарига хизмат кўрсатиш учун реклама курилмасининг ёгаси ва ихтисослашган ташкилот ўртасида кейинчалик шартнома тузиш учун ёзма келишув илова қилинishi керак.

3.1.5. Реклама жойини паспортлаштириш жараёни тугалланиб, ташки рекламанинг техникавий воситаларини ўрнатишда барча манфаатдор ташкилотларнинг розилиги олинганидан сўнг Комиссиянинг ишчи органи паспортига рўйхат рақами беради ҳамда ўрнатиш ишларини бажариш учун Гувоҳнома бериши хусусида қарор қабул килиш учун хужжатларни Комиссиянинг навбатдаги мажлисига такдим этади.

3.1.6. Комиссиянинг рад қарори олинган тақдирда, ишчи органи беш кун муддатда аризачига рад этишининг аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда рад этиш тўғрисида ёзма билдиришнома юбориши шарт.

Аризачи ижобий жавоб олган тақдирда, унга реклама жойининг паспорти билан бирга ўрнатиш ишларини бажариш хукукини берувчи Гувоҳнома берилади, унда ташки реклама техникавий воситасини ўрнатиш муддатини бошлаш ва тутатиш саналари кўрсатилади.

3.1.7. Агар аризачи ташки реклама техникавий воситаларини ўрнатишга улгурмаса, у Комиссиянинг ишчи органи билан реклама жойларини 1 ойдан кўп бўлмаган муддатга банд (брон) қилиш бўйича Шартнома тузишга ҳақли. Ташки реклама воситалари техникавий жиҳатдан мураккаб тузишга эга бўлса, жойни банд қилиш муддати 2 ойга узайтирилиши мумкин.

Берилган гувоҳноманинг амал қилиши муддати тугаган кундан бошлаб, у ўз кучини йўқотган хисобланади ва мазкур реклама жойи умумий асосларда бўш reklama жойлари паспорtlari каталогига берилиши ва бошқа ҳар қандай reklama берувчи томонидан олинши мүкин.

3.1.8. Битта reklama жойига бир нечта ариза келиб тушса, комиссиянинг ишчи органи улар келиб тушган аниқ сана ва вакти кўрсатган ҳолда аризаларни рўйхатга олади. Бунда Комиссиянинг ишчи органи иккинчи ва кейинги аризачиларга биринчи аризачининг кимлигини кўрсатган ҳолда биринчи ариза бўйича паспортлаштириш ишлари бошлангани тўғрисида ёзма жавоб йўллайди. Паспортлаштириш бўйича ишлар биринчи аризадан бошланади.

Агар иш жараёнида биринчи аризачи амалдаги меъёрий хужжатларнинг бирон-бир шартини ёки Комиссиянинг ишчи органи билан шартномавий муносабатларни бузса, ишчи

органи сабабларини кўрсатган холда реклама жойини паспортлаш ишлари тўхтатилгани тўғрисида биринчи аризачини ёзма хабардор килади.

3.1.9. Агар келишилаётган реклама жойларида бирон-бир курилиш ёки қайта куриш ишлари режалаштирилаётган ёки бажарилаётган бўлса, шунингдек реклама жойининг паспорти келишилаётган тегишли хизматлар томонидан техникавий воситаларни ўрнатиш имконияти бошқа сабаб ва ҳолатларга кўра чекланса, улар вактинчалик рад этишинг муддатини ёзма кўрсатишлари лозим, реклама жойига вактинчалик рад этиш кучга киради. Бу холда вактинчалик рад жавобини олган аризачининг ушбу жойга хукуки вактинчалик рад жавоби ёки чекловининг муддати тугагунга қадар саклаб қолинади.

3.1.10. Аризачи ушбу реклама жойини олишини рад эта ёки техникавий воситалар ўрнатиш ишлари гувоҳномасида кўрсатилган муддатларда ўрнатилмаса, реклама жойи бўш хисобланади ва умумий асосларда бўш реклама жойлари паспортлари каталогига берилиши бошқа реклама тарқатувчилар томонидан сўралиши мумкин.

Реклама жойларининг паспортлари келишиладиган тегишли идоралар ёки Комиссиянинг асосланган рад жавоби берилган реклама жойлари рад этилган жой хисобланади.

Комиссия ипчи органи рўйхатга олиш санаси ва маълум муддатга рад этиш тўғрисида ёзма хабарнома санасидан бошлаб рад жавоби олинган санани рўйхатга олади.

3.1.11. Давлат ҳокимияти органлари томонидан бирон-бир ҳудуд, майдон, кўчалар ташки реклама жойлаштирилишидан холис зона деб белгилана, шунингдек курилмаларни балансида ушловчи томонидан ўз ҳудуди ва биноларининг ташки томонларida реклама воситаларни жойлаштириш чекланса, мазкур жойларга ташки реклама воситаларни жойлаштиришга аризалар қабул қилинмайди.

Бунда ташки реклама воситаларини жойлаштиришдан холис зоналарнинг чегаралари ва чеклов шартлари ёзма шаклда аник-равшан белгиланиши керак. Такиқ ва чекловлар ёзма тартибида бекор қилингунга қадар аризалар қабул қилинмайди. Такиқ ва чекловлар бекор тартибида сўнг ушбу жойлар бўш хисобланади ва умумий асосда барча реклама қилингандан сўнг ушбу жойлар бўш хисобланади ва умумий асосда барча реклама берувчилар томонидан сўралиши мумкин.

## 3.2. Ташки реклама воситаларини жойлаштириш:

### 3.2.1. Реклама конструкцияси куйидагилар мавжуд бўлганда жойлаштирилади:

- реклама жойининг паспорти;
- вилоятда ташки реклами жойлаштириш бўйича Комиссияси раиси томонидан имзолаинг ўрнатиш ишларига Гувоҳнома;
- реклама конструкциясининг техникавий чизмаси;
- вилоят архитектура ва курилиш Бош бошқармаси вакилининг мажбурий иштироки;
- ишлар транспорт воситалари харакати зонасида олиб борилган тақдирда вилоят ИИББ ЙХХБ билан келишилган, йўл техникаси ва йўл белгилари ва жойлаштирилиши кўрсатилган ишлаб чиқарипп ишларининг схемаси ва иш олиб бориш вакти муддатлари;
- ишлар Шаҳар ободонлаштириш бошқармаси томонидан ободонлаштирилган ҳудудларида ўтказилса, ер ишларини бажариш учун рухсат;
- реклама конструкциясининг зонаси бевосита реклама майдони бўйича аникланади.

Рекламанинг техникавий воситаси вилоят архитектура ва курилиш Бош бошқармаси вакилининг иштирокида ўрнатилгани тўғрисида далолатнома билан расмийлаштирлади.

3.2.2. Ташки реклама воситаларини автомобиль йўллари ва кўчаларга ажратилган ҳудудлар чегарасида ўрнатишга рухсат берилади, бунда йўл ёқасидан 1 м. масофада ва ажратиш зоналарида жойлашган реклама воситалари йўловчилар ва хайдовчилар учун кўринишни тўсиб қўймайдиган таянчларга эга бўлиши керак. Ташки реклама ва ахборотлар йўл харакати белгилари билан ўхшаш бўлмасликлари, уларнинг кўринишига ҳалакит бермаслиги, шунингдек йўлда транспорт воситаси, йўловчи ёки бирон-бир объект турганидек тасаввур тудирмаслиги керак.

- ташки реклама тасвири элементларининг ёргулиги ички ва ташки ёритишида белгиланган давлат стандартлари бўйича йўл белгиларининг фотометрик характеристикаларидан ортиб кетмаслиги лозим;

- катта ва ўта катта форматдаги реклама пешлавҳалари кўчалар ва йўлларнинг ажратиш кисмида ўрнатилиб, уларнинг кенглиги конструкция кенглигидан кичик бўлса, йўлнинг катнов қисмидан реклама панносининг кўйи қисмигача бўлган масофа 5 (беш) метрдан кам бўлмаслиги, шу билан бирга реклама курилмасининг конструкцияси транспорт воситалари хайдовчиларига зарур кўринишни таъминлаши лозим;

- реклама конструкцияларини йўлларнинг ажратиш кисмида ва кўчалар бўйлаб ўрнатишга факат ўрнатилаётган конструкциянинг реклама панноси йўлнинг харакат кисми устидан иккى метрдан ортиқ масофага чикмасагина рухсат берилади;

- йўловчиларнинг ўтишига ҳалакит бермаган тақдирда кичик ва ўрта форматдаги реклама конструкцияларидан ташкири йўловчилар йўлагида реклама конструкцияларини ўрнатиш тақиқланади;

- йўловчилар йўлагининг ўртасида, жамоат транспорти тўхташ жойининг ўтириши майдончилари ичига алоҳида реклама конструкцияларини ўрнатиш тақиқланади.

3.2.3. Бир каторда ва бир йўналишда кетма-кет жойлаштирилаётган бир хил турдаги катта ва ўта катта реклама конструкциялари оралигидаги масофа 150 метрдан кам бўлмаслиги керак. Йўлнинг транспорт харакати йўналиши қисмидан кўринишни тўсиб кўймайдиган (шунингдек кичик ва ўрта форматдаги) реклама конструкциялари бундан мустасно;

- агар бир йўналишда ўрнатилаётган (катта ва ўта катта форматдаги) конструкциялар орасини номланган кўчалар ёки майдонлар ажратса, конструкциялар ўртасидаги масофа 150 м. дан кам бўлиши мумкин, лекин иккинчи навбатда ўрнатилаётган конструкция йўлнинг транспорт харакати йўналиши қисмидан биринчи навбатда ўрнатилган конструкция кўринишни тўсиб кўймаслиги лозим;

- агар реклама конструкциялари бир-бирига нисбатан параллел ёки перпендикуляр равишда ўрнатилган, яъни, йўлнинг турли ўқлари бўйлаб жойлашган бўлса, ўрнатилаётган конструкциялар ўртасидаги масофа 150 м. дан кам бўлиши мумкин;

- кўчалар кесишибасида ўрнатиладиган ҳамда йўл белгилари ва светофорлар билан бир сатҳда жойлашган реклама воситалари чорраҳалардан 25 м. дан кам бўлмаган масофада ўрнатилиди.

Агар реклама воситалари йўл белгилари ва светофорларни тўсиб кўймаса, ушбу қоида уларга нисбатан кўлланилмайди.

- белгилар, светофорлар ва улар жойлашган таянчларда реклама, плакат, транспарант ва йўл харакатини ташкил этишига алоқадор бўлмаган бошқа курилмаларни жойлаштиришга йўл кўйилмайди;

- йўлнинг ён томонида 2 м. x 3 м. ўлчами реклама конструкцияларини реклама майдонидан йўлнинг харакат қисмигача камидан 1 м. масофада ўрнатиш лозим;

3.2.4. Кичик форматдаги конструкцияларни бир каторда ва бир йўналишда бир-биридан камидан 25 м., ўрта форматдаги конструкцияларни эса камидан 50 м. масофада ўрнатишга йўл кўйилади. Агар бир йўналишда ўрнатилаётган (кичик ва ўрта форматдаги) конструкциялар орасини номланган кўчалар ёки майдонлар ажратса, конструкциялар ўртасидаги масофа кўрсатилганидан кам бўлиши мумкин, лекин иккинчи навбатда ўрнатилаётган конструкция йўлнинг транспорт харакати йўналиши қисмидан биринчи навбатда ўрнатилган конструкция кўринишни тўсиб кўймаслиги лозим;

3.2.5. Ташки реклама ва ахборот техникавий воситалари бинолар, курилмалар ёки уларнинг мажмуналари (томлари, олд томони, деворлари) юзасида мъеморчилик элементларига шикаст етказмасдан ўрнатилиши, шунингдек ахолининг тўлаконли истиқомат ҳудуди, тарихий-маданий мерос ва мъеморчилик ландшафтининг сакланиши ва шаклланишига, шунингдек мъеморчилик ва шаҳар курилиши барча субъектларининг, мазкур курилмалар эгаларнинг хукуклари ва конуний манбаатларини муҳофаза килишга кўмаклашиши лозим.

- ташки реклама ва ахборотнинг техникавий воситаларини бинолар, курилмалар ёки уларнинг мажмуналари (томлари, олд томони, деворлари) юзасида жойлаштириш учун таркатувчи томонидан мазкур объектларни балансида ушловчи билан келишуви бўлиши лозим;

- бозор ва савдо майдонларининг очик худудида, шунингдек бошқа идораларнинг очик худудида техникавий воситаларни ўрнатиш ва ташки рекламини жойлаштириш учун таркатувчи томонидан мазкур объектларни балансида ушловчи билан мазкур Тартибда белгиланган тартибда келишуви бўлиши лозим;

3.2.6. Реклама конструкциясини ўрнатиш (монтаж килиш), ундан фойдаланиш ва олиб ташлаш бўйича ишлар конструкция эгаси томонидан ер участкаси, бино ва бошқа мулкнинг мулкдори (балансда ушловчиси) ёхуд ушбу мулк эгаси томонидан ваколатланган шахс билан, электр таъминоти тармоқларига уланганда эса кўрикландиган зона худудида электр таъминоти линиялари ва ташки ёритиш тармоқлари ускуналаридан фойдаланувчи ташкилот билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

-агар ташки реклама ва ахборотнинг техникавий воситасини ўрнатиш учун ерни кавлаш ёки ер ишларига боғлиқ бошқа ишларни бажариш талаб этилса, таркатувчи ушбу харакатларини вилоятнинг тегишли хизматлари (меъморчилик бош бошкармаси, шаҳар ободонлаштириши бош бошкармаси) билан келишади;

-юкорида санаб ўтилган келишувлар реклама жойининг паспортига киритилиши ёки ёзма шаклда келишилаётган ташкилотларнинг бланкаларида мавжуд бўлиши керак;

-вилоят ва шаҳарнинг марказий кўчаларида ўрнатилган реклама курилмалари ёритишга уланганда реклама курилмасининг ишга тушиш "Сигнали" (ташки ёритиш тармоқлари) автоматик тарзда ишга тушиши кўрсатилиши шарт. Ушбу талабнинг бажарилиши ташки ёритиш ва реклама воситаларининг ёритувчи курилмалари бир пайтда ишга тушишини таъминлайди, бу эса кўчаларининг ягона меъморий безалишига риоя этилишини ҳам таъминлайди.

3.2.7. Ташки реклама воситаларини жойлаштириш хуқуки рухсатномаларини бериш ёки келишувларни амалга ошириш масалаларида низо чикканда улар Комиссия мажлислирида кўриб чикилади ёки амалдаги қонун хужжатлари доирасида суд органлари орқали ҳал этилади.

-ижтимоий реклама, ахборотлар ва ахборот кўрсаткичларини жойлаштириш ҳам келишилади;

-вилоят хокимининг маҳсус қарорисиз ташки рекламини жойлаштириш билан боғлиқ мазкур Тартибда назарда тутилмаган келишувларни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

3.2.8. Ташки рекламини маданий ёдгорлик объектларида, йўл белгилари, светофорлар ва транспорт харакатини тартибга солувчи конструкцияларда, шунингдек дарахтилар ва ёндоп худуга ҳамда шаҳар хизматларининг коммуникация тармоқларига зарар етказиб жойлаштириш тақиқланади.

3.2.9. Фирмаларнинг фаолиятига алоқадор бўлмаган, бозорлар, ёкилги куйиш шохобчалари, савдо жойлари ва бошқа объектларда ўрнатилган ва шаҳар муҳитига каратилган реклама безаклари ташки реклами хисобланади ва мазкур Тартибга мувофиқ расмийлаштирилиши лозим.

3.2.10. Улчами 500 кв. см. дан кам бўлган ташки реклама учун ҳақ ундирилмайди.

### 3.3. Кўприклар ва йўл ўтказмалари панжараларида рекламини жойлаштириши:

3.3.1. Кўприклар ва йўл ўтказмалари панжараларида реклама эгаси билан келишувга мувофиқ амалга оширилади ва куйидаги тарзда жойлаштирилади:

- бир неча кисмга (устун оралиги) эга кўприкларда кисмларнинг узунлиги 15 метрдан ошмаса, реклама бигта кисм (устун оралиги) - битта реклама коидаси бўйича жойлаштирилади, бунда реклама конструкциясининг узунлиги кўприк кисми узунлигининг 2/3 бўлимими ташкил қилиши лозим;

- устун оралигининг узунлиги 15 метрдан ортик бўлган кўприкларда иккита реклама конструкцияси жойлаштирилиши мумкин, бунда кўприкнинг узунлиги 7 кисмга бўлинади, кўприк четидан реклама конструкциясигача бўлган ва реклама конструкциялари ўртасидаги оралик устун оралиги узунлигининг 1/7 кисмига тенг бўлиши, иккита реклама қопламасининг узунлиги кўприк узунлигидан 2/7 кисмигача бўлиши керак;

- харакатнинг ҳар икки йўналишида битта устун оралиги бўлган кўприкларда реклама конструкциясининг узунлиги, ҳар икки харакат йўналишлари устидаги масофадан фойдаланишга рухсат этилган бўлса, кўприк узунлигининг ярмига тенг бўлиши керак, бунда реклама конструкциясининг эни конструкциянинг юкори кисми кўприк панжараларидан баланд бўлмаслиги ва кўйи кисми кўприк конструкциясидан паст бўлмаслиги лозим.

3.3.2. Агар транспорт харакати йўналиши бўйича кўприк панжарасида йўл кўрсаткичлари ўрнатилган бўлса, реклама факат қарама-қарши харакат йўналиши устида жойлаштирилади.

- агар транспорт харакати йўналиши бўйича кўприк панжарасида йўл кўрсаткичлари ўрнатилмаган бўлса, унда реклама конструкцияси жойлаштирилиши мумкин.

3.3.3. Агар ЙҲХБ томонидан реклама конструкциялари жойлаштирилган кўприклар ва йўл ўтказмалари панжараларида йўл кўрсаткичларини ўрнатиш тўғрисида карор қабул килинса, мазкур жойда илгари ўрнатилган реклама курилмалари олиб ташланади.

3.3.4. Кўприклар ва йўл ўтказмалари панжараларида ўрнатилган реклама конструкцияларининг металдagi кисми тескари томонидан муҳофазаланган ва кўприк конструкцияси рағнига мос бўялган, шунингдек реклама қопламаси бириккан жойни ёпиб турувчи ҳошияга эга бўлиши керак.

### 3.4. Осма ахборот ва реклама воситаларини жойлаштириши:

3.4.1. Осма реклама воситаларига йўл, кўча ва бошқа жойларнинг устига ёки улар ёқалаб ўрнатилган, тижорат йўналишидаги ахборот таркатувчи барча турдаги техникавий воситалар - осма транспарантлар киради;

3.4.2. Осма ахборот воситаларига йўл, кўча ва бошқа жойларнинг устига ёки улар ёқалаб ўрнатилган, давлат тадбирлари ҳамда, шунингдек ушбу тадбирнинг ўтказилиш жойи ва вақти тўғрисида ахборотга эга барча турдаги техникавий воситалар - осма транспарантлар киради;

3.4.3. Осма восита сим арқонли мослама ва бевосита реклама майдонидан иборат. Сим арқонлар устунларга ёки осма восита учун маҳсус ўрнатилган маҳкамлашнинг техникавий имкониятига эга бино ва иншоотларга маҳкамланади. Осма воситалар шаҳар ёритиш тармоғи устунларига уланмайди.

- осма воситалар ёритиладиган ҳамда юмшоқ асосли материалдан тайёрланган ёритилмайдиган турларга бўлинади;

- ёритиладиган осма воситалар конструкцияси электр тармоқларида авариявий узилиш курилмасига эга бўлиши лозим.

3.4.4. Осма ахборот ва реклама воситаларини жойлаштириши факаттина Комиссиянинг рухсати олингандан сўнг амалга оширилади.

- тижорат, ижтимоий реклама ва ахборот воситаларини кўчанинг транспорт юрадиган кисми устида ўрнатиш хавфсизликнинг барча меъёрларини ҳамда шамол кучини хисобга олган ҳолда амалга оширилиши, улар йўл харакати белгиларини ва йўл харакатини тартибга солиб турувчи бошқа турдаги ахборот воситаларини тўсиб кўймаслиги керак;

3.4.5. Йўл устига ўрнатиладиган осма транспарантлар факат юмшоқ материаллардан тайёрланиб, уларнинг эни 1,7 метрдан ошмаслиги зарур;

3.4.6. Осма таранспарантлар кўчанинг транспорт юрадиган кисми устида 5,5 метрдан кам бўлмаган баландликда жойлаштирилиши лозим. Йўл устига жойлаштирилган осма транспарантлар оралигидаги масофа 150 метрдан кам бўлмаслиги керак;

3.4.7. Шаҳар электр транспорти ҳаракати ташкил этилган кўчаларга осма транспарантларни жойлаштириш электр тармоқларидан фойдаланиш хавфсизлигининг барча меъёларини хисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Улар электр тармоқларидан фойдаланиш хавфсизлиги тўғрисидаги тартибда қайд этилган баландликда ўрнатилиши зарур;

3.4.8. Осма ахборот сатхининг майдони йўлнинг ҳаракат кисмидаги жойлашганда иккала томонининг юзаси билан, чорраҳаларнинг бурчагида жойлашганда эса бир томонининг юзаси билан белгиланади.

### 3.5. Кўрсаткичларни жойлаштириши:

3.5.1. Кўрсаткичлар кўринишидаги реклама воситалари - фақат корхона ҳакида ахборот берishi, яъни, ушбу корхонанинг эмблемаси ёки фирма белгисини, номини ва мазкур ташкилот жойлашган манзилини акс эттириши мумкин. Корхона, маҳсулот ёки хизматлар тўғрисидаги бошқа маълумотларнинг мавжудлиги ташкил реклама хисобланади;

3.5.2. Реклама кўрсаткичларини ўрнатиш мажбурий тартибда кўрсаткичининг техникавий паспорти расмийлаштирилиб, кўрсаткичи ўрнатиш хукуқига Комиссиянинг Гувоҳномаси олингандан сўнг амалга оширилади. Бунда фақат техник паспортни тайёрлаш ва Гувоҳномани расмийлаштириш учун кетган ҳаражатлар шартнома асосида тўланади. Мазкур Гувоҳноманинг амал килиш муддати кўпли билан бир йил хисобланади. Агар кўрсаткичдан фойдаланиш даврида уни ўрнатиш ва фойдаланиш бўйича кўйилган талаблар бузилимаса, кўрсаткичдан фойдаланиш хукуқи эгасининг ўз вактида берган аризаси асосида янги муддатга узайтирилади;

3.5.3. Кўрсаткичдан фойдаланиши муддатини узайтиришга ўз вактида ариза берилмаса ёки тасдиқланган эскизлар, ўлчамлар ва параметрлардан фарқли кўрсаткичлар ўрнатилса ҳужжатлар бошидан кайта расмийлаштирилади;

3.5.4. Кўрсаткичлар корхона, ташкилот ва бошқа муассасалар жойлашган жойни акс эттириш учун корхона, ташкилотдан кўши билан 500 м. гача масофада ўрнатилиши мумкин;

3.5.5. Ахборот кўрсаткичларининг ўлчами 3 кв. м. дан ортиқ бўлмаслиги керак;

3.5.6. 3 метр квадратгача ҳажмдаги турли хилдаги ахборот кўрсаткичлари ва реклама ускуналари ёритиш устунларига йўлнинг катнов кисмидан ичкарига қаратилган ҳолда 2,5 метрдан 5 метргача бўлган баландликда ўрнатилиши мумкин (бундай ҳолларда устунларни баланс эгасидан аввалдан ёзма розилиги олиниши шарт);

3.5.7. 2 метр квадратдан ортиқ бўлмаган ҳажмдаги турли хилдаги ахборот кўрсаткичлари ва реклама ускуналари ёритиш устунларига кўндалангига йўлнинг катнов кисмидан ичкарига қаратилган ҳолда 2,5 метрдан 5 метргача бўлган баландликда ўрнатилиши мумкин;

3.5.8. Йўлнинг катнов кисмидан кўрсаткичининг йўлнинг катнов кисмига қаратилган киррасигача бўлган масофа 1 м. дан кам бўлмаслиги керак;

Кўрсаткичлар Комиссия томонидан тасдиқланган намуналарга мувофик шакл ва тузилишга эга бўлиши керак.

### 3.6. Аҳолига хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг ахборот ва реклама воситаларини жойлаштириши.

3.6.1. Аҳолига хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг ахборот воситаларига корхоналар ва бошқа ташкилотлардаги кронштейн ва пешлавҳалар кириб, уларда корхонанинг номи ва мулкчилик шакли, идоравий бўйсунини ёки фаолият тuri бўйича маълумотлар акс эттирилади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ёки сотилаётган товарлар (кўрсатилаётган хизматлар) рўйхати, корхона ва фирмаларнинг эмблема ва товар белгилари (сотилаётган товарлар, фойдаланилаётган ускуналар ҳамда хом ашё материалларининг эмблемалари ва товар белгилари) реклама хисобланади.

Аҳолига хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг ахборот ва реклама воситалари куйидаги турларга ажратилади:

- пешлавҳалар;

- ахборот воситалари (ахборот конструкциялари);

3.6.2. Муайян шахс эгаллаб турган бинонинг ташки томонида, бинога кириш жойида шу шахс тўғрисида жойлаштирилган ёки мазкур шахснинг маҳсулоти ҳакида шу бино витринасидаги ахборот (пешлавҳа)дан ташқари, бошқа барча турдаги пешлавҳа ва кронштейнлар бевосита корхона жойлашган бино устига ёки унга туташган ва тегишилди худудларда жойлаштирилади;

Пешлавҳалар яси элемент, том курилмаси кўринишшида (агар бино бутунлай мазкур корхонага тегишилди бўлса) бажарилган бўлиши ёки кронштейн кўринишшида бўлиши мумкин. Сутканинг қоронғи вактида пешлавҳалар ёритилиши мумкин.

Пешлавҳанинг ўлчами бинонинг мазкур пешлавҳа ўрнатиладиган томони майдонининг 5 % дан катта бўлиши мумкин эмас.

Бинонинг одд томонига жойлаштирилган пешлавҳа ва (ёки) кронштейнларда корхонанинг фаолият соҳасини очиб берувчи матн ва унинг ўз номланиши акс эттирилган бўлиши керак.

Бошқа фото ва матнли маълумотлар, ўзга товар белгиларининг ёки логотипларнинг мавжудлиги реклама сифатида баҳоланади;

3.6.3. Ахборот лавҳачалари тайёрловчи (бажарувчи, сотовучи) тўғрисидаги ахборотни истеъмолчининг эътиборига етказиш учун мўлжалланганди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳар бир корхонаси аҳоли кириш жойларининг сонига мувофик битта ёки бир печта ахборот лавҳачасига эга бўлиши мумкин. Лавҳачада факат корхона тўғрисида ахборот кўрсатилиши мумкин:

- корхонанинг қайд этилган (юридик) номланиши;

- корхонанинг иш тартиби.

Ахборот лавҳачалари бинонинг деворида корхонага кириш жойининг ёнида ёки кириш эшигига ташриф буюрувчиларга яхши кўринадиган тарзда жойлаштирилиши мумкин. Ахборот лавҳачасининг ҳажми 1,0 кв. м. дан ошмаслиги керак.

3.6.4. Витриналарда жойлаштирилдиган ахборот - хизмат кўрсатиш соҳаси корхонасининг витринасида қайд этмасдан туриб товар маҳсулотларининг намуналарини, шунингдек таркибида бошқа фирмаларнинг савдо марказлари, номлари, товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари бўлмаган ахборотни жойлаштиришга рухсат этилади:

- ушбу корхона сотадиган товарлар ва кўрсатадиган хизматлар тўғрисида маълумот;

- корхонанинг ўзига хос ёки фирмали номланиши (пешлавҳа мавжуд бўлса), унинг қайд этилган товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари;

- корхона фаолиятининг йўналишини очиб берувчи ва унинг фирмали номланишига мос келадиган тасвирий элементлар;

- декоратив бесак элементлари;

- давлат ва шаҳар байрамлари муносабати билан мажбурий тартибда жойлаштириладиган байрам безаклари;

3.6.5. Умумий овқатланиш корхоналарининг ахбороти - умумий овқатланиш корхоналари томонидан кўрсатиладиган хизматлар билан истеъмолчини танишишига мўлжалланганди мажбурий ахборот: меню, прейскурантлар, хизмат кўрсатиш шартлари, бинонинг ичкарисида ёки олд деворида жойлаштирилади, ҳажми 2 кв. м. дан ошмаслиги керак;

3.6.6. Корхоналар, ташкилотлар ва хусусий тадбиркорларнинг ахборот воситалари - манба сифатида юридик шахслар ва хусусий тадбиркорларнинг ўзлари томонидан ўзларига тегишилди ахборот воситаларида тарқатадиган ахборот. Бунда воситанинг ўлчами 2 кв. м. дан ошмаслиги лозим.

Бошқа фото ва матнли маълумотлар, ўзга товар белгиларининг ёки логотипларнинг мавжудлиги реклама сифатида кўриллади;

**6.6.7. Ахолига хизмат кўрсатиш бўйича корхона ва ташкилотларнинг ахборот ва реклама безак воситалари реклама хисобланмайди ва Комиссиядан руҳсатнома хужжатлари олинишини талаб этмайди.**

- ваколатхона ва дистрибьюторлар томонидан ўзлари жойлашган манзил бўйича тарқатиладиган ўз фаолияти тўғрисида маълумот (факат умумий маълумотлар: ким эканлиги, фаолият йўналиши, реквизитлар, товар белгилари ва ишлаб чиқариладиган товарлар (кўрсатиладиган хизматлар) рўйхатининг мавжудлиги реклама сифатида баҳоланиди) реклама хисобланмайди, унинг учун хақ олинмайди ва у мазкур Тартибга биноан расмийлаштириши талаб этмайди.

### **3.7. Реклама-ахборот белгиларини жойлаштириш:**

- йўл якинидаги тор йўналишдаги обьектлар (емакхоналар, шиналар, карбюраторлар, амортизаторларни таъминалаш корхоналари, эхтиёт кисм дўконлари)нинг ахборот таъминоти мақсадида ўрнатилади;

Реклама -ахборот белгисининг ахборот юзаси майдони унинг ташки габарит ўлчамлари бўйича, 1,0 кв. м. дан ошмасдан аниқланади. Реклама - ахборот белгилари йўл белгиларига ўхшамаслиги лозим.

### **3.8. Ҳажмли-фазовий конструкцияларни жойлаштириш:**

- реклама ахборотини тарқатиш учун конструкциянинг ҳам ҳажми, ҳам юзасидан фойдаланилади;

- якка тартибдаги лойиҳалар бўйича бажарилади ва ҳар бир алоҳида холатда Комиссия томонидан тасдиқланади;

- бундай турдаги конструкциялар ва уларни жойлаштириш коидаларига қалқонли қурилмаларга нисбатан қўйиладиган талаблар уларга доир кисмидан амал қиласди.

### **3.9. Байрокли композиция ва соябонларни жойлаштириш:**

- байрокли композиция - асос ва бир ёки бир нечта флагшток (устунча) ҳамда юмшоқ матодан иборат реклама конструкцияси хисобланади.

- байроклиниг ахборот юзаси майдони матонинг иккала томони юзаси билан белгиланади;

- соябоннинг ахборот юзаси майдони унинг битта томони юзаси билан белгиланади.

### **3.10. Томусти қурилмаларини жойлаштириш:**

- бино томининг карпизидан тўлиқ ёки кисман баландда жойлаштирилдиган ушбу (ҳажмий ёки ясси) реклама конструкциялари маҳкамловчи элементлар (конструкциянинг ишлаб чиқилган лойиҳаси Комиссия билан келишилади) ҳамда конструкция ва ахборот қурилмасининг кўтариб турувчи кисмидан иборат;

- электр таъминоти тармоғидан авариявий узилиш тизими билан жихозланган бўлиши керак;

- реклама конструкциясининг эгаси тўғрисида маълумотлар акс этган ердан кўринувчи таблога эга бўлиши лозим;

- биноларда ўрнатилган томусти қурилмалари ахборот юзасининг майдони тўлов суммасини бутун конструкциянинг ташки габарит ўлчамлари бўйича аниқланади.

Конструкция ўрнатилган жойнинг изяраси бинонинг баланс эгаси билан алоҳида келишув бўйича амалга оширилади. Комиссия реклама тарқатувчи билан бинони баланс эгаси ўргасидаги муносабатларга аралашишга ҳақли эмас.

### **3.11. Бинолар деворларининг юзасида деворий реклама конструкцияларини кўйидаги кўринишда жойлаштириш:**

-бевосита девор юзасига туширилган тасвир (ахборот юзаси);

-деворга маҳкамлаш элементлари, каркас ва ахборот юзасидан иборат конструкция,

-деворий паннолар якка тартибдаги лойиҳалар бўйича бажарилади;

-деворга маҳкамланувчи кисмларга эга деворий паннолар учун фойдаланишида хавфсизликни таъминлаш мақсадида мажбурий тартибда конструкцияни маҳкамлаш лойиҳаси ишлаб чиқилади;

-деворий панно ахборот юзасининг майдони ахборот юзаси каркаснинг катталиги билан белгиланади;

-биноларнинг олд деворларида уларнинг катта кисмини, витрина ва деразаларнинг ойналарини тўсив қўйочи йирик ўлчамли қалқонли реклами ва бапнерли реклами ташувчиларни ўрнатишга йўл қўйилмайди.

### **3.12. Витражларни жойлаштириш:**

Витражлар - дераза ёки эшик бўшликларида ёки биноларнинг токида ўрнатиладиган реклами конструкцияларидир. Конструктив жиҳатдан витражлар асос, каркас ва шаффоғ юзадан иборат.

- реклами ахбороти витраж ойнасининг ички томонидан ёки ўзи елимланадиган плёнка ишлатилса ташки томонидан жойлаштирилади;

-хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг витражларида корхонанинг фаолият йўналишига мос бўлмаган реклами безакларини жойлаштиришга йўл қўйилади. Бунда ушбу безаклар витраж майдонининг кўпи билан 20 фоизини эгаллапи мумкин; Реклами безаклари 20 фоиздан кўп бўлган тақдирда бу реклами деб хисобланади ва ўрнатилган тартибда паспортлаштирилиши шарт,

- витраж ахборот юзасининг майдони витринанинг шаффоғ юзасига тушシリлган тасвиirlарнинг катталиги, шунингдек витрина ичидаги жойлаштирилган ҳажмли конструкцияларнинг катталиги билан белгиланади.

### **3.13. Проекцион қурилмалар -** ер ва девор юзаларида, фазода тасвиirlарни намойиш килишига мўлжалланган реклами конструкцияларидир.

- проекцион қурилмаларнинг конструкциялари проекцияловчи қурилма ва ахборот тасвири шаклланадиган юза (экран) ёки ҳажмдан иборат;

- ясси тасвиirlар учун ахборот юзасининг майдони проекция тушаётган юзанинг катталиги, ҳажмий тасвиirlар учун эса хисоб-китоб йўли билан аниқланади.

### **3.14. Электрон экранлар (электрон табололар) -** ёргулук диодлари, лампалар, ёргуликнинг бошқа манбалари ёки ёргулукни акслантирувчи элементларнинг нур тарқатиши хисобига экран юзасида тасвир хосил қилишга мўлжалланган реклами конструкциялари;

- ахборот юзасининг майдони нур тарқатувчи юзанинг катталиги билан белгиланади;

- бундай турдаги конструкциялар ва уларни жойлаштириш коидаларига алоҳида турган қалқонли қурилмаларга нисбатан қўйиладиган талаблар уларга доир кисмидан амал қиласди. Реклама-ахборот роликларининг мазмуни реклами ташувчининг эгаси бўлган ташкилотнинг таҳир хайъати томонидан тасдиқланади;

- ташки га реклами тасвири элементларининг ёргулиги ички ва ташки га ёритища йўл белгиларининг белгиланган давлат стандартлари бўйича фотометрик характеристикаларидан ортиг кетмаслиги керак;

- реклами элементлари ёргулиги, илингандан баландлиги, учб-ёниш даврийлиги бўйича белгиланган талаблар ёки давлат стандартларига мувоғик бўлиши керак.

### **3.15. Маркизлар -** реклами ахбороти туширилган бўйот ва соябон кўринишда ишланган ва витриналар, бино ва иншоотларга кириш жойи ёки тешиклари устидаги ўрнатилган реклами конструкциялар.

- маркизлар билога маҳкамлаш элементлари, каркас ҳамда юмшоқ ёки қаттиқ асосда ишланган ахборот майдонидан иборат;

- маркизнинг ахборот майдони юзаси тасвир туширилган кисмининг катталиги билан аниқланади.

### **3.16. Йўловчи тўсикларидаги реклами -** йўловчи тўсикларининг ойнаванд ёки ўзга юзаларида жойлаштирилдиган рекламиadir.

- йўловчи тўсиги конструкцияси ахборот юзасининг майдони унинг ҳар иккала томонининг умумий майдони билан белгиланади;

- бундай турдаги конструкциялар ва уларни жойлаштириш коидаларига алохida турган калконли курилмаларга нисбатан күйиладиган талаблар уларга доир кисмидама амал килаади.

### 3.17. Шахар мебели объектлари (тұхташ мажмуалари, тұмбалар, таксофонлар)да рекламиш жойлаштириш.

Реклама ташувчилар билан бирлаштирилған күча мебели элементлари деб умумий юзаси 5 кв. м. дан катта бұлмаган реклама панеллари билан жиҳозланған шаҳар йұловчи транспортини күтиш павильонлари, шаҳар йұловчи транспорты тұхташ жойларининг күрсаткышлари, күча үриндерлери, ахлат күтилари, күча соатлари, таксофон кабиналари, йұловчини харакатини түсувчи элементлар тушунилади, башарти reklama панели конструкциянинг үлчами күча мебели элементи умумий үлчамининг учдан бир кисмидан катта бұлмаса ҳамда reklama майдони (томони) юзаси үлчами күча мебели элементи ахборот майдони (томони) умумий үлчамининг учдан икки кисмидан катта бұлмаса (күча мебели элементида reklama майдони (томони) билан бир пайтда үзға турдаги ахборотни жойлаштириш учун майдон (томон) мавжуд бўлса).

Реклама панеллари билан жиҳозланған шаҳар йұловчи транспортини күтиш павильонлари мажбурий тартибда үриндерлери ва шаҳар ахборот лавҳалари билан мажмуада, үрнатиш ишлари якупланғандан сўнг аризачи томонидан павильонга тулашган худудни ободонланштирип бўйича талабларга риоя этилган ҳолда үрнатилиши керак.

Реклама ташувчилар билан бирлаштирилған күча мебели элементлари, ёритиш элементлари ташқи ёритиш, электр таъминлап тармогига күшилған тақдирда электр таъминоти масалалари ва фойдаланилған электр күввати учун түлов масалалари ташқи ёритиш тармогининг электр таъминоти линиялари (ВЛ ва КЛ) муҳофаза зонасига күйилған барча талабларга риоя этилганда, электр таъминоти корхоналари билан келишилсагина йўл кўйилади.

### 3.18. Ташқи reklama ва ахборотниң вақтингчалик объектлари

3.18.1. Тиркама конструкциялар (штендерлар) шаҳарда корхоналарнинг иш соатларида жойлаштирадиган ташқи reklama ва ахборотниң вақтингчалик объектлари, жисмоний шахслар томонидан техникавий воситаларни ишлатмасдан кўчирилади.

- штендерлар икки томонли бўлиши ва ўз ёриттичига эга бўлмаслиги лозим;
- умумий юзаси 2 кв. м., бунда штендернинг баландлиги 1 м. дан ошмаслиги лозим;
- reklama килинаётган обьект жойлашган бинонинг олд деворидан 1,5 м. гача масофада жойлаштирилиб, йўловчиларга халакит бермаслиги ва ўтиш жойларини тұсіб қўймаслиги керак;
- штендерларни йўловчилар йўлагида, шунингдек йўлнинг ҳаракат кисмидан кўринишни тұсадиган тарзда үрнатиш тақиқланади;
- штендерлар йўлнинг ҳаракат кисмидан камида 3,0 м. узокликда жойлашиши лозим.

3.18.2. Ҳаво шарлари, аэростат, дирижаблларда reklama - ҳаво фазосида жойлаштириладиган ташқи reklama вактингчалик воситалари, байрам ва тематик тадбирларни ўтказып даврида вактингчалик reklama безагини ташкил этади. Ахборот юзасининг майдони чизилған тасвирининг катталиги билан белгиланади.

3.18.3. Лотоклар, аравачалар, киосклар ва соябларда reklama - чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ишлап вактида лотоклар, аравачалар, киосклар ва соябларда үрнатиладиган ташқи reklama вактингчалик воситалари, лотоклар, аравачалар, киосклар ва соябларнинг айрим кисмларини плёнкали ёки бўёк материаллари билан қопламасидан иборат. Ахборот юзасининг майдони чизилған тасвирининг катталиги билан белгиланади.

3.18.4. Курилиш ва чакана (күча) савдоси (ёзги кафелар, кўргазмалар, савдо майдонлари ва курилган майдончаларининг тұсіклари) обьектларининг вақтингчалик тұсікларидаги, шунингдек боща вактингчалик тұсіклардаги reklama ушбу обьектларни бадий безагини таъминлапши лозим. Ушбу обьектларни алохida калконлар, юмшок безак ёки узлуксиз лента билан безаш тавсия этилади.

Калконли конструкциялар кўлланғанда уларнинг баландлиги тұсікниң таянч элементлари баландлығининг 1/2 кисмидан ошиб кетмаслиги керак.

Курилиш майдончасыда иншоотлар (бино кайта таъмирланғанда курилиш ҳавозалари, майшии хоналар, проекторлар учун мачталар, кранлар ва х.), шунингдек тұсуви тур мавжуд бўлса, мазкур Тартибда назарда тутилған ташқи reklama боща обьектларини жойлаштириш мумкин.

3.18.5. Курилиш тұсікларининг ҳар қандай турдаги reklama - курилиш обьектларини чегараловчи турлар ва тұсікларнинг боща турларидағы тасвир кўринишида ташқи reklama обьектлари. Бундай тұсікларда reklama курилиш ёки таъмирлаш-тиклаш ишларига рухсатнама мавжуд бўлса, унинг амал килиш муддати давомида бинонинг ташқи томони (олд томони)да курилиш ва тиқлаш ишлари бажарилаётганда жойлаштирилади. Курилиш ёки таъмирлаш ишларини олиб бораётган ҳўжалик юритувчи субъект билан келишилиши шарт.

Курилиш тұсікларида ташқи reklama жойлаштириш учун рухсат берувчи ҳужжатлар мазкур Тартибда белгиланған тарзда расмийлаштирилади, бунда Комиссиянинг алохida қарори билан обьект ташқи reklama жойлаштириш тұловидан озод килиниши мумкин.

Реклама-ахборот юзасининг майдони чизилған тасвирининг катталиги билан белгиланади.

### 3.19. Реклама атрибулларини жойлаштириш:

- reklama атрибулларига донасининг үлчами 0,2 кв.м. дан катта бұлмаган ҳар хил турдаги reklama маҳсулотлари (брелоклар, сояблар (факат вактиңча үрнатиладиганлари), урналар, үриндерлар, куллонлар, капчеляр аңжомлари, таквимлар, майкалар, маҳсус кийимлар, нишонлар, идишлар, шунингдек сувенирлар ва фирмалар байроқлари) киради;

Реклама атрибуллари савдо шохобчаларини ва идораларни безашда фирма ва товарлар хақида ахборот тапуучи сифатида фойдаланилади;

- reklama атрибуллари корхона эгаси томонидан мустакил равища жойлаштирилиши мумкин. Улардан ташқи reklama воситаларини жойлаштириш тарифи бўйича ҳақ олимнайди ва улар учун Комиссиянинг рухсатнама ҳужжатларини олиш талаб этилмайди. Бунда reklama эгаси Ўзбекистон Республикаси конунчилигининг тамаки ва алкоголли маҳсулотларни reklama килиш бўйича үрнатилған талабларининг бажарилишига жавобгар бўлади;

- хизмат кўрсатиши шохобчаларини ташқи безатишнинг боща барча турлари, жумладан, допасининг үлчами 0,2 кв.м. дан катта бўлған сувенирлар ва фирмалар байроқлари, ёритувчи идишлар, бўяп ва фирмали безаш ташқи reklama хисобланади.

3.20. Театр ва концерт афишалари, оммавий маданий, спорт ва боща йўналишдаги тадбирлар эълонларини жойлаштириш:

**Афиша** - ўтказиладиган оммавий маданий, спорт ва боща йўналишдаги тадбирлар, промо-акциялар тұғрисидаги ахборотни ўзида мужассамлаштирган ёзув reklama асосий воситаларидан биридир.

**Эълон** - боща юридик ва жисмоний шахслар ҳамда жамоатчиллик эътиборини жалб килиш мақсадида аниқ юридик ва жисмоний шахсларга етказиладиган қисқа маълумот.

Театр ва концерт афишалари, оммавий маданий, спорт ва боща йўналишдаги тадбирлар эълонларини жойлаштириш учун мўлжалланған маҳсус мосламаларни (кеийнчалик маҳсус мосламалар) жойлаштириш мазкур Тартибга асосан Комиссиянинг ишчи органдар орқали расмийлаштирилиши лозим;

- Маҳсус мосламалар Комиссия томонидан тасдикланған андозавий намуналарга мувоффик шаки ва тузилишига эга бўлиши керак;

- маҳсус мосламаларда жойлаштирилған бир марта ўтказиладиган тадбирлар, яъни, театр ва концерт афишалари, оммавий маданий, спорт ва боща йўналишдаги тадбирлар, турли промо-акциялар эълонлари ташқи reklama хисобланади. Уларни жойлаштириш учун Комиссиянинг рухсатини олиш талаб этилмайди ва ташқи reklama жойлаштириш учун тариф бўйича ҳақ олимнайди;

- маҳсус мосламалар ва уларда жойлаштирилаётган театр ва концерт афишалари, оммавий маданий, спорт ва бошқа йўналишдаги тадбирлар, тури промо-акциялар эълонларининг ташки кўриниши, эстетик ҳолати ва мазмунига кўйилган талабларнинг бажарилишига маҳсус мосламанинг эгаси жавобгардир;

- мазкур Тартибга асосан тегишлича расмийлаштирилмасдан ўрнатилган барча маҳсус мосламалар ва улардан ташкарида ўрнатилган барча афиша ва эълонлар беруҳсат ўрнатилган хисобланади;

- Вилоятда беруҳсат ўрнатилган афиша ва эълонлардан тозалаш Комиссия томонидан белгиланган маъсул корхона ёки ташкилотларга юклатилади. Тозалаш бўйича килинган барча сарф-ҳаражатлар беруҳсат афиша ва эълонларни жойлаштирган корхона ва шахслардан ундирилади.

#### **IV. ВИЛОЯТ ҲУДУДИДА ЎРНАТИЛАДИГАН ТАШКИ РЕКЛАМА ОБЪЕКТЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

4.1. Ташки реклама воситалари реклама конструкцияларининг техникавий ҳолати ва дизайнига нисбатан қўйиладиган талабларга мувофиқ ўрнатилади.

4.2. Ер усти пойдеворлари - 25 см. дан баланд бўлмаслиги лозим;

- сувок килиниши ва жойлашган ерининг асосий элементларига мувофиқ рангда бўялиши лозим. Пойдевор бўяладиган ранг Комиссия томонидан аниқланади.

4.2.1. Пойдевор йўловчилар йўлаги, йўловчиларнинг ўтиш жойига чикиб кетса ер усти пойдеворларини ўрнатишга руҳсат берилмайди, ирригация кувурлари устида пойдевор ўрнатиш тақиқланади;

4.2.2. Қисман ёрга кирган пойдеворлар:

- пойдевор 40 см. дан ортик ерга чукур кирганида пойдеворнинг ер усти қисми ер усти пойдеворларига қўйиладиган талабларга мувофиқ ишланиши лозим, эгаси худуднинг еости коммуникацияларининг таҳлили кўринишида ваколатли органларнинг розилигини олиши керак.

4.2.3. Тўлик чукурлаштирилган пойдеворлар - пойдевор 40 см. дан ортик тўлик чукурга кирганда реклама жойини паспортлаштиришда унинг ер усти қисми ер юзасидан баланд бўлмаслиги (нўл сатҳда бўлиши), эгаси худуднинг еости коммуникацияларининг таҳлили кўринишида ваколатли органларнинг розилигини олиши керак.

4.3. Реклама конструкцияси:

- техник босим хавфизлигининг юқори даражасини ҳамда шамол босими ва фойдаланища етарлича тургунликни таъминловчи материаллардан тайёрланиши лозим;

- лойиҳа хужжатлари ва конструкциянинг курилиш мөтъёллари ва коидалари ҳамда бошқа норматив хужжатларга мувофиқлиги тегишли лицензияга эга ваколатли ташкилотларнинг хуносалари билан тасдиқланган бўлиши керак;

- реклама конструкциясининг устуни "0" белгисидан реклама майдонигача камида 5,0 м. баландликка эга бўлиши лозим, бунда реклама курилмасининг тузилиши транспорт воситаларининг ҳайдовчиларига зарур кўриш сатҳини таъминлаши керак;

- реклама конструкциясининг устунлари тиргувоч ёки чўzmага эга бўлмаслиги керак;

- реклама конструкциясининг устуни ташки кўринишини ёмонлаштирувчи элементлар (пайвандлаш чоклари, занг, шикаст) сиз тўғри текис юзага эга бўлиши керак;

- реклама конструкциясини маҳкамлашнинг ташки элементлари ҳимоя қопламаси билан ёпилган ва пойдевор рангига мос бўялган бўлиши керак.

4.4. Конструкциянинг реклама майдони:

- реклама майдони ўлчамлари реклама жойининг паспортида кўрсатилган ўлчамларга катий мувофиқ бўлиши керак;

- конструкциянинг реклама майдони томонлари ўртасида тирқишиз, реклама қопламасини маҳкамлаш элементлари кўринишини истисно қилючи ҳопия рамкасига эга бўлиши керак;

- бир томонли конструкция эстетик ташки кўриниши таъминловчи конструкция орт қисмининг металл қопламасига эга бўлиши керак;

- богичларнинг илмоклари реклама майдонидан ташкарига чикмаслиги керак;

- реклама конструкцияси эгаларининг логотипи, номи ва боғланиш телефонлари ёзилган лавҳачага эга бўлиши керак;

- реклама конструкцияси ёритмага эга бўлиши керак;

- ўрнатиладиган ёритма уй-жойларнинг дeraзalарiga бевосита яқин жойлашмаслиги, истиқомат қилювчиларнинг тўлақонли дам олишига халакит бермаслиги, йўл ҳаракати иштироқчиларини ёргулек, жумладан, аксланган ёргулек билан камаштираслиги лозим;

- ташки реклама объектларини ёритиш учун саноатда ишлаб чиқарилган, электр ва ёнгин хавфизлигини таъминловчи ёргулек асборлари ишлатилиши лозим. Ёргулек асборининг бирикмаси уни реклама конструкцияси билан ишончли уланишини таъминлаб, шамол, кор босимини, тебраниш ва зарбали таъсиirlарни кўтариши лозим;

- ташки реклама объектларини жойлаштириш йўловчиларга, кўча ва йўловчи йўлакларини тозалашга тўсқинлик қилмаслиги лозим;

- шовкин, тебраний, кучли ёргулек, электромагнит ва бошқа нурланиши ва майдонларнинг манбаси бўлган ташки реклама объектларини уй-жойларга яқин ўрнатишга йўл қўйилмайди.

4.5. Ташки реклама объектлари:

- йўл ҳаракати иштироқчилари кўзини қамаштираслиги, ташки реклама ва ахборот тасвири элементларининг ёргулиги ички ва ташки ёритишда йўл белгиларининг фотометрик характеристикаларидан ортиб кетмаслиги керак;

- муҳандислик иншоотларининг габаритларини кичрайтираслиги;

- ташки кўриниши, тасвири ва овозли тасъири бўйича йўл ҳаракатини ташкил этишининг техникавий воситалари ва маҳсус сигналларга ўхшамаслиги, уларнинг кўринишини ёмонлаштираслиги, шунингдек йўлда (кўчада) транспорт воситаси, йўловчи, хайвонлар ёки бирон-бир обьект турганидек тасаввур тутгираслиги керак;

- ташки реклама воситаларини маҳкамлашада иншоотларга шикаст етказиш, шунингдек уларнинг мустахкамлиги ва тургунилигини пасайтиришга йўл қўйилмайди;

- башарти барча реклама ахбороти бир пайтда пайдо бўлмаса, реклама ҳаракатланувчи элементларга эга тасвир орқали ахборотни чиқармаслиги лозим.

4.6. Ташки реклама воситаларини:

- бевосита тоннелларга кириш ва тоннеллардан чиқиш жойлари ёнида, ҳамда уларга 10 м. дан якироқ жойда;

- йўл ва кўчаларнинг ҳаракат қисми ва четлари устида иккى метрдан ортик четга чикиб кетса (осма транспарантларни истисно қилганда);

- йўл панжаралари ва йўналтирувчи курилмаларда;

- автомобиль йўллари ва кўчаларнинг юза қисмiga чизиш ёки курилиш материаллари, бўёклар, йўл белгиларидан фойдаланиб ўйиб чизиш усули билан жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

4.7. Таркибида электротехника ва ёргулек техникаси ускунаси мавжуд ҳар бир ер усти ташки реклама воситаси электр курилмалари Коидалари талабларига мувофиқ бажарилган заминлаштириш курилмасига эга бўлиши керак. Мазкур заминлаштириш курилмалари, уларнинг даврий синовлари алоҳида хужжатда кайд этилиб, реклама воситаси эгасида сакланishi лозим.

#### **V. ТАШКИ РЕКЛАМА СОҲАСИДА МУАЛЛИФЛИК ХУКУҚЛАРИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

5.1. Рекламага бўлган муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар Ўзбекистон Республикасининг "Муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинади.

Рекламада куйидагилар тақиқланади:

- муаллифлик хукуки ва кўшимча хукукларни мухофаза килишнинг техникавий воситалари соҳасидаги қонунчилика ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, бошқа бир реклама маҳсулотида кўлланадиган умумий ечимни, матн, тасвир, мусикали ёки овозли усулларни имитациялаш (кўчирма килиш ёки ўхшатиш).

5.2. Муаллифлик хукуки ва турдош хукукларни мухофаза килишнинг техникавий воситалари деб асарлар ёки турдош хукук обьектларига киришни назорат қилувчи, асарлар ёки турдош хукук обьектларига нисбатан муаллиф, кўшимча хукук эгаси ёки мутлақ хукукнинг бошқа эгаси томонидан руҳсат берилмаган харакатларнинг олдини олуви чекловчи исталган техникавий воситалар уларнинг таркибий кисмлари тан олинади.

- исталган қурилма ёки унинг таркибий кисмларини тайёрлаш, тарқатиш, ижарага бериш, вактингчалик беминнат фойдаланишга бериш, импорт килиш, реклама килиш, улардан даромад олиш ёки хизматлар кўрсатиш мақсадида фойдаланишга йўл кўйилмайди, башарти бундай харакатларнинг оқибатида муаллифлик хукуки ва турдош хукукларни мухофаза килишнинг техникавий воситаларидан фойдаланиш имкони йўқолса ёхуд ушбу техникавий воситалар кўрсатилган хукукларни тегишлича мухофазасини таъминлай олмаса.

## VI. ТАШКИ РЕКЛАМАНИ ЖОЙЛАШТИРИШГА РУХСАТ ОЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Ташки рекламами жойлаштириш истагини билдирган реклама тарқатувчи Комиссиянинг ишчи органига реклама жойлаштириш бўйича ариза билан мурожаат этади.

Аризага куйидагилар иловав қилинади:

- тарқатилаётган ташки реклама эскизи ва реклама матни;
- агар маҳсулот сертификатланиши мажбур бўлса, Ўздавлатстандарти ёки сертификатлаш хукукига эга идора томонидан берилган мувофиқлик сертификатининг нусхаси;
- агар реклама килинаётган фаолият турини лицензиялаш зарур бўлса, тегишли лицензиялар нусхаси.

6.2. Ариза топширилганидан сўнг у Комиссия ишчи органи томонидан рўйхатга олинади ва Комиссияга юборилади.

6.3. Комиссиянинг ижобий қарори олинган тақдирда:

- Комиссия номидан унинг ишчи органи реклама берувчи билан ташки реклама воситалари жойлаштириш хукуки берилганинига ва ташки reklamani ўрнатиш учун ҳакини ундириш учун шартнома тузади. Тўлов суммаси вилоятда ташки reklamani жойлаштириш бўйича Комиссиянинг Қарори билан тасдиқланган тарифларга мувофиқ белгиланади;

- ташки reklamani воситаларини жойлаштириш хукуки берилганинига учун ҳакини ундириш учун контракти бўйича маблаглар келиб тушганидан сўнг тарқатувчiga ташки reklamani воситаларини жойлаштириш хукукини берувчи Комиссиянинг гувоҳномаси берилади. Гувоҳнома билан бирга мажбурий тартибида reklamani жойи паспортининг нусхаси ҳам тақдим этилади.

6.4. Ташки reklamani жойлаштирилишининг бошланиш куни ва тугатиш муддати reklamani жойлаштириш хукукини бериш тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатиласи.

6.5. Рекламами жойлаштириш муддати узайтирилган тақдирда, тарқатувчи reklamani жойлаштириш хукуки гувоҳномасининг амал килиш муддати тугашига бир ой қолганда жойлаштирилаётган reklamani муддатини узайтиришни сўраб ишчи органи оркали Комиссияга мурожаат килиши мумкин.

Мазкур reklamani жойидан фойдаланиш муддати ичida тузилган шартнома талабларидан четта чиқилмаган бўлса, тарқатувчи ушбу reklamani жойидан фойдаланишни узайтиришга имтиёзли хукукка эга бўлади.

Тарқатувчининг ташки reklamani янги муддатга жойлаштириш шартномасини тузишдан воз кечса, ташки reklamani олиб ташланади.

6.6. Ташки reklamani жойлаштириш муддатини томонларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (қайта қуриш, қурилиш ёки таъмири ишларининг олиб борилиши ва х.к.) олиб ташлаш зарурати юзага келса, ишчи органи 10 куплик муддат ичida reklamani берувчи ёки уни тарқатувчини ушбу тадбирларнинг ўтказилиши тўғрисида ёзма равишда ҳабардор килиши, тарқатувчiga ташки reklamani жойлаштиришга тенг кийматли жойдан фойдаланиш хукукини бериши керак.

Техникавий восита reklamani берувчи ёки унинг тарқатувчи томонидан ва унинг хисобига (харажатлари) олиб ташланади.

## VII. ТАШКИ РЕКЛАМА ВОСИТАЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ХУҚУКИ УЧУН ТЎЛОВ

7.1. Вилоятда ташки reklamani воситаларини жойлаштириш хукуки учун ҳаклар Комиссия номидан унинг ишчи органи ва reklamani тарқатувчи ўргасида тузиладиган Шартномада кайд этилган шартларда, тасдиқланган тарифлар асосида амалга оширилади.

7.2. Вилоятда ташки reklamani воситаларини жойлаштириш бўйича Комиссиянинг Қарори билан тасдиқланади ва тарқатилаётган reklamani мөхијати, reklamani воситаларининг турлари ва reklamani жойлаштириш худудий зоналардан келиб чиккан ҳолда белгиланади.

7.3. Реклама жойига вилоятда ташки reklamani жойлаштириш бўйича Комиссия билан келишилган ва руҳсат берилган ижтимоий reklamani жойлаштирилган ҳолларда ташки reklamani жойлаштириш хукуки учун ҳак олинмайди.

## VIII. РЕКЛАМА ТАРҚАТУВЧИННИГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Реклама тарқатувчи ва reklamani берувчи Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги қонунiga мувофиқ хукукларга, шунингдек:

- reklamani тўғрисида шартнома тузиш ҳакида оммавий тақлиф (оммавий оферта) бериш;
- reklamani материалларини тақдим этишининг ўлчам ва шакларини мустақил аниқлап;
- қонунчилика белгиланган тартибида reklamani жойлаштиришга руҳсат рад этилиши устидан шикоят килиш;
- тижорат reklamamini жойлаштиришга буюртма бўлмаган тақдирда белгиланган тартибида ижтимоий reklamani жойлаштириши.

8.2. Тарқатувчининг мажбуриятлари:

- ташки reklamani воситаларини жойлаштириш билан боғлиқ барча харакатларини катыйи равишда Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги қонуни ва вилоятда ташки reklamani жойлаштирипнинг ушбу Тартибига мувофиқ амалга ошириш;
- вилоятда reklamani воситаларини факат reklamani жойлаштиришга руҳсат берилгани тўғрисидаги Гувоҳнома асосида жойлаштириш;

- Гувоҳноманинг амал килиш муддатини узайтириш зарур бўлган вазиятларда кечиктирмаган ҳолда жойлаштириш муддати тугагунча муддатини узайтириш бўйича ариза тақдим этиш;

- Комиссиянинг reklamani жойлаштириш муддатини узайтириш бўйича рад қарори олинган тақдирда, ўз хисобидан reklamani воситасини олиб ташлаш ёки reklamani воситасини олиб ташлаш бўйича қилинган ҳакиқий харажатлар кийматини тўлаш;

- кейинчалик reklamani жойлаштиришдан воз кечилган тақдирда ишчи органини бу тўғрида ҳабардор килиш ва reklamani жойлаштиришнинг тўланган муддати тугагунга қадар reklamani воситасини олиб ташлаш;

- реклама конструкцияси ёки реклама қопламаларининг ташки кўриниши ёмонлашган тақдирда, хабар килингандан сўнг 3 суткадан кечитирмаган ҳолда тиклаш ишларини ўтказиш;

- реклама жойлаштиришга буюртмалар бўлмаган даврда Тарқатувчи 1-тариф зонасида Комиссия томонидан тасдиқланадиган ижтимоий реклами жойлаштириши шарт, Комиссия томонидан тасдиқланадиган ижтимоий реклами жойлаштириш учун ҳақ олинмайди. Эскизи Комиссия томонидан тасдиқланмаган реклами 1-тариф зонасида жойлаштирилганда бунинг учун маҳаллий корхона сифатида ҳақ ундирилади;

- реклама воситаларидағи реклама қопламаларининг кўринишини ўбошимчалик билан ўзгартирмаслик;

- тасдиқланган эскиз, жойлаштириш схемаси ва реклама жойининг паспортига мувофиқ қатъий равища ажратилган reklama жойидан фойдаланиш ва reklama воситасини ўрнатиш. Тасдиқланган лойиха, жойлаштириш схемаси, reklama воситасининг паспорти ва кўринишидан четта чиқилгани аникланса, Комиссиянинг ишчи органи далолатнома тузади ва тарқатувчини ёзма шаклда хабардор килади. Далолатномада кўрсатилган муддатдан бошлаб 5 кун ичida reklama тарқатувчи бузилишларни ўз хисобидан бартараф қилиши шарт. Мавжуд бузилишлар кўрсатилган бартараф этилмаган тақдирда комиссия ёки унинг номидан ишчи органи амалдаги қонунчиллик бўйича чора кўриш учун хужжатларни Хусусийлаштириш, монополиядан чиқарип ва рақобатни ривожлантириш худудий бошкармасига юборади. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқарип ва рақобатни ривожлантириш худудий бошкармаси кўрсатмалари бажарилмаган тақдирда Комиссия ўз карори билан конструкция олиб ташланишини таъминлашга ҳақли, reklama тарқатувчининг мазкур reklama жойига хукуки бекор килинади ва reklama жойининг паспорти тендер комиссиясига берилади. Констру́кцияни олиб ташлаш, ташиш ва саклашга оид барча харажатлар reklama конструкциясининг эгаси бўлган reklama тарқатувчи томонидан тўланади. Констру́кцияни олиб ташлаш, ташиш ва саклашга доир карздорлик 30 кун муддат ичida тўланмаган тақдирда бундай конструкция амалга оширилган харажатларни қоплаш учун манфаатдор шахсларга сотувга чиқарилади;

- reklama конструкцияси ўрнатилгандан ёки олиб ташлангандан сўнг шу жойда ободонлаштириш ишларини ўтказиш;

- савдоға кўмаклашувчи воситалар (мерчандайзинг)га тегишли reklama воситаларининг ташки ҳолати бўйича жавобгар бўлиш, маркиза, тент ва бошқа турдаги reklama кўринишили қопламлардан фойдаланмаслик. Агар reklama мақсадида ушбу постерлардан маркиза, тентлар сифатида фойдаланилса, reklama берувчи ёки унинг тарқатувчиси уларнинг мазкур Тартиба мувофиқ жойлаштирилишини расмийлаштиришлари шарт;

- талаб килинганида ишлаб чиқарувчи ёки reklama тарқатувчисининг reklama ахборотларининг ҳаққонийлигини тасдиқловчи хужжатларини тақдим этиш;

- reklama килинаётган товар ва хизматларга тегишли лицензия (фаолият лицензияланиши лозим бўлса) ва сертификатни (фаолият мажбурий тартиба сертификатланиши лозим бўлса) тақдим этиш;

## IX. КОМИССИЯ ИШЧИ ОРГАНИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 9.1. Комиссия ишчи органи:

- Шартнома тузиш ва reklama берувчи томонидан асоссиз равища шартнома тузишдан бош тортиши натижасида етказилган зарарни қоплаш тўғрисида даъво билан суд органларига мурожаат килиш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолатларда reklama тарқатувчидан тегишли лицензия ва сертификатларни талаб килиш;

- reklama-ахборот фаолияти бўйича Комиссия билан келишган ҳолда ташки reklama паспортини ва уни жойлаштиришга рухсат бериш тўғрисидаги гувоҳномани

расмийлаштиришгани учун кетадиган харажатларни қоплаш учун тасдиқланган тарифлар асосида қўшимча ҳақ олиш;

- тарқатувчиларга белгиланган тартибида ишчи органининг Низомида кўрсатилган қўшимча пуллик хизматлар кўрсатишига ҳақли.

### 9.2. Комиссия ишчи органи мажбуриятлари:

- reklama тарқатувчига reklama жойлаштириш тартиби ва reklama жойларига расмийлаштирилган бўш паспортларнинг мавжудлиги, шунингдек reklama жойлаштириш билан боғлиқ ва Комиссия фаолиятига тегишли бўлган бошқа масалалар бўйича маълумотларни бериш;

- reklama тарқатувчини у томонидан ижарага олинган reklama жойи атрофидаги худудларда қайта таъмирлаш ишлари ўтказилиши ҳақида огоҳлантириш;

- тўланган reklama жойлаштириш муддатининг тугагунига қадар томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолда reklama (йўллар, майдонларни қайта таъмирлаш, курилиш ёки ер билан боғлиқ ишларнинг ўтказилиши ва бошқа сабабларга кўра) олиб ташланса, тарқатувчига янги reklama жойи бериш, фойдаланилмаган даврдаги суммани қайта хисоб-китоб қилиб, янги reklama жойи хисобига ўтказиш ёки уни қайтариб бериш.

## X. РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИНИ САҚЛАШ МУДДАТЛАРИ

10.1. Реклама тарқатувчилар reklama материаллари (гувоҳномалар, паспортлар ва reklama материалларини жойлаштиришга оид бошқа материаллар)ни reklama жойлаштириш муддати якунланган охирги кундан бошлаб 1 йил давомида саклашлари шарт.

## XI. РУХСАТ ЭТИЛМАГАН РЕКЛАМАЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТАРТИБИ

11.1. Комиссиянинг рухсат гувоҳномаси олинмасдан ҳар хил турдаги reklama воситаларини ўрнатиш ва уларга reklama жойлаштирилиши ўзбошимчалик билан ўрнатилган ҳисобланади ва ruxsat этилмаган reklama ҳисобланади.

Ташки reklama жойлаштириш тартибига риоя этмаган ҳолда ўрнатиш ташки reklama жойлаштириш тартибига риоя этмаган деб ҳисобланади.

11.2. Ruxsat берилмаган reklama жойлаштириган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунига асосан чоралар кўрилади.

## XII. НИЗОЛИ ҲОЛАТЛАРНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИ

12. Рекламани жойлаштириш жараёнида юзага келадиган низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳал килинади.

## XIII. ТАШКИ РЕКЛАМАНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

13. Мазкур ташки reklama жойлаштириш тартибини бузган юридик ва жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.